

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

415 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонунининг 22-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 8 сентябрь,
289-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 8 сентябрдаги 289-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «Стандартлаштириш тўғрисида» сўзларидан олдин «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» сўзлари кўшилсин;

б) 8-бандда:

«а» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «Стандартлаштириш тўғрисида» сўзларидан олдин «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» сўзлари кўшилсин;

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши кўшилсин:

«маҳсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган намуналар олиш, маҳсулотларни синаш ва ўлчаш методларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатларини тасдиқлайди»;

бешинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

«д» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «стандартларга» сўзидан кейин «техник регламентларга» сўзлари кўшилсин;

в) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «стандартлаштириш» сўзидан олдин «техник жиҳатдан тартибга солиш» сўзлари кўшилсин;

учинчи хатбошидаги «стандартлаштириш» сўзидан олдин «техник жиҳатдан тартибга солиш» сўзлари кўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисидаги низомнинг 21-бандига қўйидаги мазмундаги «к» кичик банд кўшилсин:

«к) маҳсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган намуналар олиш, маҳсулотларни синаш ва ўлчаш методларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатларини тасдиқлайди».